

## ЎЗБЕКИСТОНДА АЁЛЛАРГА ҚАРАТИЛГАН ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

*Шоираҳон Ишанчаева Баҳрамджановна*

*Андижон давлат тиббиёт институти  
академик лицей она тили ва адабиёт ўқитувчиси*

### АННОТАЦИЯ

Мустакилликнинг дастлабки йилларида Ўзбекистонда хотин-кизлар тадбиркорлигини оширишга қаратилган қуплаб ишлар амалга оширилди. 1991 йилдан ҳозирги кунгача Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини ривожлантиришга қаратилган қонун ҳужжатларини қабул қилиниши, уларда хотин-кизлар фаолиятига алоҳида эътибор қаратилганлиги қуриб чиқилди. Бу ҳужжатларда хотин кизлар тадбиркорлигини қонуний асосда мустақамлаб берилганлиги ва қуплаб имтиёзлар мавжуд бўлганлиги ҳақида маълумотлар берилган.

**Калит сузлар:** Хотин-кизлар, фаол аёллар, кичик бизнес, тадбиркорлик, ҳунармандчилик, тикувчи аёллар, мустакиллик, қонун, қарор, фармойиш ва бошқалар.

### КИРИШ

Ўзбекистонда хотин-кизларни ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий ҳимоялаш, улар учун қулай шарт-шароитлар яратиш масаласи давлат сиёсати даражасига қутарилди. Хусусан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йуналиши бўйича Хдракатлар стратегиясида "хотин-кизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни давлат ва жамият бошқарувидаги урнини қучайтириш, хотин-кизлар, касб-ҳунар коллежи битирувчи кизларнинг бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорлик фаолиятига қенг жалб этиш, оила асосларини янада мустақамлаш" [13] га алоҳида аҳамият қаратилган. Шунинг учун, Ўзбекистон Республикасида хотин-кизларни кичик бизнес ва тадбиркорликка қенг жалб этиш, молиявий жихатдан қуплаб-қувватлаш ва бу борада эришилган натижаларни таҳлил қилган ҳолда, мавжуд муаммоларни бартараф этишга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб бориш муҳим аҳамият қасб этади.

### МУХОҚАМА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 январдаги П<sup>^</sup>-2746-сон "Кичик ва хусусий тадбиркорликни микроқредитлаш тизимини янада қенгайтириш ва соддалаштириш чора-тадбирлари тугрисида"ги, 2017 йил 10 февралдаги ПФ-2767-сон "Кичик тадбиркорликни ривожлантириш Қафолат жамғармасини ташкил этиш тугрисида"ги, 2017 йил 24 майдаги П<sup>^</sup>-2996-сон

"Қасаначиликни янада ривожлантириш учун кулай шароитлар яратиш чора-тадбирлари тугрисида"ги қарорлари, 2018 йил 2 февралдаги ПФ-5325-сон "Хотин-қизларни қуллаб-қувватлаш ва оила институтини мустақамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тугрисида"ги қарори, 2019 йил 7 мартдаги П^4235-сон "Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари қафолатларини янада қучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қуллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тугрисида"ги қарорида ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий ҳужжатларда юртимизда истикомат қилаётган хотин-қизларни тадбиркорликка жалб қилишга, уларни буш вақтларини унумли фойдаланиш, оила бюджетини оширишда аёлларни ҳам фаоллигини таъминлашга катта эътибор қаратилган.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда хотин-қизларни иқтисодий жараёнларга жалб этишга қаратилган давлат сиёсатининг аҳамияти, кичик бизнес ва тадбиркорлик ҳаракатининг мамлакат иқтисодий таракқиётидаги урни ҳамда уларда хотин-қизлар иштироки масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Бу эса уз навбатида хотин-қизларни тадбиркорлик фаолиятига босқичма босқич қириб боришидан далолат беради.

Бизга маълумки инсоният жамияти шаклланишининг тарихий таракқиётида бозор иқтисодиёти муҳим аҳамият қасб этади. Бозор иқтисодиётининг узок йиллик тарихига назар ташлайдиган бўлсак, у жамият иқтисодий таракқиётини таъминлаб берувчи, фаровонликни оширувчи прогрессив қуч эканлигига гувоҳи бўлишимиз мумкин. Бугунги қунга қелиб, жамиятда моддий неъматлар ишлаб қикариш, инсонларнинг ҳаётий эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилувчи муҳим соҳа сифатида тадбиркорлик бозор иқтисодиётининг ажралмас қисмига айланди. Бу жараёнда миллий ҳунармандчилик муҳим урин тутди. Ҳунар турлари асрлар давомида қенгайиб, янги йуналиш ва мактаблар ҳосил қилган. Маълумотларга қура, бугунги қунда республиқамизда ҳунармандчиликнинг 34 тури мавжуд[19]. Бу эса уз навбатида юртимиз ақолисининг ушбу ҳунармандчиликнинг маълум қасбларида фаол меҳнат қилаётганидан далолат беради.

Ўзбекистонда чеварчилик, қаштачилик, қиламдузлик, зардузлик қаби ҳунар турлари билан аёллар уйда утириб шугулланишган. Ҳунармандчиликда устоз-шогирд аънаналари мавжуд бўлиб, авлоддан-авлодга утиб қелувчи узига ҳос тартиб-қоида ва меъёрлар, ақлоқий мезонларга амал қилинган[10]. Бу маълумотлардан шуни қилишимиз мумкинки, юртимизда истикомат қилиб қелаётган хотин-қизларни азалдан тадбиркорликнинг бир соҳаси билан шугулланиб қелган. Бу эса ҳозирги қундаги хотин-қизларни тадбиркорлиги узок утмишга қориб тақалишидан далолат беради.

Хунарманд хотин-кизларга собик иттифок даврида арзон ишчи кучи сифатида каралиб, аёллар меҳнатидан огир саноатда, пахта яккахокимлиги шароитида, кишлок хужалигидаги огир юмушларда фойдаланилди. Ўзбекистоннинг 90-йиллари бошларида хотин-кизлар ижтимоий ишлаб чиқаришда 7-8 соат меҳнат қилиш билан бирга, оилада уй-рузгор юмушларини ҳам бажарган, яъни эркак ҳафтасига 41 соат ишласа, ижтимоий банд бўлган аёллар ҳафтасига улардан икки хисса ортиқ меҳнат қилган, кишлок аёлининг ижтимоий аҳоли эса бундан ҳам огирроқ бўлган [17]. Ушбу давр сиёсатида хусусий мулкка, тадбиркорлик фаолиятига йул берилмади, жамиятдаги барча мулклар давлатники, шу билан бирга, умумхалқ мулки, деб эътироф этилди, хунарманд аёлларнинг асосий қисми артеллар, бадий буюмлар корхоналари, завод ва фабрикаларга жалб қилинса-да, ўзбек хотин-кизлари табиатидаги тадбиркорлик сифатлари сақланиб қолди, уй хунармандчилиги ва тадбиркорлиги тарихан утган давр мобайнида ўзбек халқи турмуш тарзининг ажралмас қисмига айланди. Шу сабабли, мустақиллик йилларида бозор муносабатларини амал қилиши учун етарли шарт-шароитлар яратишга қаратилган ислохотларнинг асосий мақсади аввало, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан иборат бўлди. Бу эса ўз навбатида эркаклар билан бир қаторда хотин-кизларни тадбиркорлиги жадаллик билан қириб боришига туртки бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида "Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир"[11] деб мустаҳкамлаб қуйилди. Бу эса тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириувчи қонун десак муболага бўлмайди. Юқорида таъкидлаганимиздек, мустақилликкача бўлган даврда хусусий мулкка чекловларнинг мавжудлиги, мулкни давлат ҳамда умумхалқ мулки сифатида қараши кишиларда жамоавий меҳнатнинг маълум қуринишида ривожланганлигидан далолат беради. Бу эса хусусий тадбиркорликни ривожланишига тусиқ бўлган омиллардан бири бўлган. Ҳрзирги кунда хусусий мулкчилик асосий қонуниimizда белгилаб берилган.

### **АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ**

Мустақиллик йилларида аёл аввало, инсон сифатида ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлди, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 46-моддасида "Хотин-кизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлидирлар[11], деб белгилаб қуйилди.

1992 йили Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан Вазирлар Маҳкамаси олдига хотин-кизлар аҳолини яхшилаш бўйича Давлат дастурини

ишлаб чиқиш вазифаси куйилди[18]. Бу оркали республикадаги хотин-кизларни боскичма-боскич тадбиркорликка йуналтириш кузга тутилган.

Узбекистонда хотин-кизларни куллаб-қувватлашга қаратилган давлат сиёсати натижасида ҳуқуқий меъёрлар боскичма-боскич, тизимли амалга оширилди[4]. Бу эса ҳозирги кундаги хотин-кизларни тадбиркорликка жалб қилиниши, уларни нафакат тадбиркор, балки жамиятни фаол аъзоси сифатидаги ролини ошириш, эркаклар ва аёлларни узаро тенглигини таъминловчи асосий ишлар эканлигидан далолат беради.

1993 йилда ташкил этилган кичик ва урта тадбиркорликни ривожлантиришга қумаклашувчи жамгарма (1995 йилдан Бизнес-фонд)[16] томонидан 62 миллион сумдан ортиқ кредит ажратилиши[2] натижасида минглаб тадбиркор хотин-кизларга фаолиятларини йулга қуйиш, кенгайтириш учун имкониятлар яратиб берилди.

1995 йилга келиб, республикада ишлаб чиқариш пасайишини кескин тухтатишга эришилди ва мамлакатда ижтимоий фаол аҳоли сони 8 млн. 474 минг 600 нафардан иборат булгани ҳолда, унда аёллар улуши 3 млн. 623 минг 300 нафарни ташкил этди[5]. Бу эса узига хос ижтимоий-иқтисодий муаммо қуламини сакдаб турарди. Шу йил 28 августда Вазирлар Маҳкамасининг "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни куллаб-қувватлаш давлат дастури тугрисида"ги, 1996 йил 9 июлда эса "Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни куллаб-қувватлаш тугрисида"ги қарорларининг қабул қилиниши натижасида, 1996 йил бошларида республикада 32 минг кичик қорхона булиб, уларда саноат маҳсулотларининг 44 фоизи, қишлоқ ҳужалиги маҳсулотларининг 97 фоизи ишлаб чиқарилган [3]. Буларда ҳам аёллар иштироки ортиб борганлигини қуришимиз мумкин.

1996 йилнинг биринчи ярмида республика иқтисодиётида жадал усиш даври бошланди. Хусусийлаштириш жараёни чуқурлашди ва кенгайди, кичик ва хусусий қорхоналар сони 19100 тага ортди, бу йуналишда фаолият қурсатаётган тадбиркор хотин-кизларнинг сони ҳам анча усди.

Узбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 9 апрелда "Хусусий тадбиркорлик, кичик бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чоратадбирлари тугрисида"ги Фармони[6] имзоланди. Бунда ҳам хотин-кизларни тадбиркорлик фаолиятига тортиш мақсадида қуплаб вазифалар белгилаб берилган. Бунинг натижасида 1998 йилдаги ҳолатда хотин кизларнинг иқтисодий соҳасидаги улуши 3879,0 минг кишини ташкил этган булса, 2000 йилга келиб бу қурсаткич 3955,1 мингга етганини қуришимиз мумкин[1].

2000-2008 йилларда кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига қредит бериш тизими яхшиланди[14], бунинг натижасида хотин-кизларга уз тадбиркорлигини яхшилаш мақсадида имтиёзли маблағлар вужудга келди.

Хусусан, шаҳар ва қишлоқ жойларда аёллар уз тадбиркорлигини йулга қуйиш учун кредитлар ола бошлади. Масалан қуплаб тадбиркор аёллар томонидан кредит маблағлари ҳисобидан тикувчилик ва пиширик сеҳлари, гузаллик салонлари, хунармандчилик марказлари ва бошқа тадбиркорлик шаҳобчалари очилди. 2006-2010 йилларда ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан мунтазам модернизация қилиб боришни жадаллаштириш учун корхоналарнинг уз маблағлари ва жалб қилинган маблағлар ҳисобидан йуналтираётган сармояларини уч йилга даромад (фойда) солигидан, урнатилган ва ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланилаётган янги усқуналарни эса мулк солигидан озод қилинди[12]. Бунинг натижасида тикувчилик сеҳларидаги эски тикув машиналари алмаштирилди, қандолатчилик сеҳларидаги печлар ва турли асбоб усқуналар янгиланди. Бу қаби имтиёзлар хотин-қизларни тадбиркорлик фаолиятида даромаднинг ортишига сабаб булди. Бундай яратилган имқониятлар ва узғаришлар хотин-қизларни тадбиркорлик соҳасига қизиқишларини орттирди ва уларни сонини ошишига олиб қелди. Хусусан, 2005 йилда иқтисодий соҳаларда банд булган аёллар сони 4871,5 минг [1] қишини ташқил қилган булса, 2010 йилга қелиб 5295,1 минг[1] қишини ташқил қилди, яъни 1,087 баробарга ошганини қуришимиз мумқин.

2008 йил Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини қамайтиришга қаратилган "Инқирозга қарши қоралар дастури"да қичик бизнесни ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилди, тадбиркор хотин-қизлар учун ажратилаётган кредитлар ҳажми ошиб, Республика Марқазий банки хотин-қизлар тадбиркорлиги учун 148 млрд. 700 млн. сум кредит ажратган булса, 2010 йилда бу қурсатқич 250 млрд. 595 млн. сумни ташқил қилди [9]. Бу қаби имқониятлар хотин-қизлар тадбиркорлигини янада ривожлантиришга туртки булди. Чунки, бу қаби имтиёзли кредитларнинг мавжудлиги, яққа тартибда фаолият олиб бораётган хунарманд аёлларнинг фаолиятини қенгайтиришга имқоният яратди. Хусусан, Сурхондарё вилояти Денов туманида ҳам аёллар уз тадбиркорликларини ривожлантириб олди. Масалан, уйда тикувчилик билан шуғилланадиган аёлларимиз маҳаллада тикувчилик ателларини очиб, ишларини қенгайтириш билан бир қаторда маҳалладаги хотин-қизларни бандлигини таъминладилар. Маҳалладаги ёш қизларни тикувчиликка қизиқишини орттирди. Бунинг натижасида шогирдликка қелган қизларни хунарга ургатиш билан бир қаторда арзон ишчи қучига ҳам эга булдилар. Буларнинг барқаси тадбиркор аёлларнинг даромадларини ошишига ҳам олиб қелди.

2011 йил "Қичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили"да қабул қилинган давлат Дастури, Узбекистон Республикаси Президентининг "Қичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қушимча қора-тадбирлар тугрисида"ги

Фармони[8], 2014 йил 3 июлдаги "Давлат мулки объектларини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига сотиш борасидаги кушимча чора-тадбирлар тугрисида"ги, 2015 йил 28 апрелдаги "Иктисодиётда хусусий мулкнинг улуши ва ахамиятини ошириш чора-тадбирлари тугрисида"ги қарорлари, 2016 йил 5 октябрдаги "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир кушимча чора-тадбирлар тугрисида"ги Фармони[7] иктисодиётда давлат улушининг камайиб бориши ва хусусий мулкнинг ортиб бориши, кичик бизнес ва тадбиркорликнинг ривожланишига хизмат қилди десак муболага бўлмайди. Хусусан, 2010 йилда иктисодий соҳаларда банд бўлган аёллар сони 5295,1 минг[1] кишини ташкил қилган бўлса, 2015 йилга келиб 5964,3 минг [1]кишини ташкил этган. Бу эса маъруза даврида аёлларнинг улуши 1,12 баробарга ортганидан далолат беради.

"Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" деб номланган 2017 йилда жамоатчилик назорати гуруҳлари тузилиб, хотин-қизлар ҳаётидаги ва тадбиркорлик фаолиятидаги муаммолар урганилди. Йил давомида жами 5 миллиондан ортиқ хонадонга кириб, уларнинг муаммоларини ҳал этиш чоралари қўрилди. Жумладан, 22 мингта оилада ажралишнинг олди олинди, 36 минг фуқаро ишга жойлаштирилди, 14,5 минг юрtdошимизга имтиёзли кредит олишда қўмақлашилди[9]. Бу каби олиб борилган ишлар хотин-қизларни ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётдаги иштирокини оширишга туртки бўлди.

### **ХУЛОСА**

Хулоса қилиб айтиладиган бўлса, Ўзбекистон республикасида мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ хотин-қизларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилишга қаратилган қўлаб қўнувлар, қарорлар, фармон ва фармойишлар ишлаб чиқилди. Бу каби қонуний асослар юртимизда хотин-қизлар фаоллигини оширди, уларни тадбиркорлик фаолияти билан бевосита шугулланишига кенг имкониятлар яратди. Мустақилликнинг дастлабки йилларида тадбиркор аёлларга аҳоли томонидан салбий қаралган бўлса, ҳозирги кунда келиб уларнинг фаолияти ижобий қабул қилинмоқда. Бу эса юртимизда ҳам аёллар ва эркаклар тенг ҳуқуқли эканлигини, жамиятда аёлларнинг иштирокини ҳам ортаётганлигини қўрсатиб беради.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Балтабаева М.М. Ўзбекистон Республикаси хотин-қизларининг кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришдаги иштироки (1991-2019 йиллар) мавзусидаги Автореферати. Андижон-2019. 16-бет.

2. Қаримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. 3-жилд. - Тошкент:Ўзбекистон, 1996.- Б.117.

3. Каримов И.А. Бунёдкорлик йулидан. 4-жилд. - Тошкент: Узбекистон, 1996. - Б. 163.

4. Оила кодекси, Мехнат кодекси, 1993 йил 3 майда Узбекистон Республикасининг "Мехнатни муҳофаза қилиш тугрисида"ги <sup>^</sup>онуни, Узбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 2 мартдаги "Узбекистон Республикасининг давлат ва ижтимоий қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тугрисида"ги Фармони, Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелдаги "Оила кодексини амалга ошириш зарур бўлган меъёрий ҳужжатларни тасдиқдаш тугрисида"ги 171-сон қарори, 14 апрелдаги "Хотин-қизларга қушимча имтиёзлар тугрисида"ги <sup>^</sup>онун, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 25 январдаги "Аёллар ва ушиб келаётган авлод соғлигини мустаҳкамлашга доир қушимча чора-тадбирлар тугрисида"ги 32-сон, 2002 йил 5 июлдаги "Оилада тиббий маданиятни ошириш, аёлларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устувор йуналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тугрисида"ги 242-сон қарорлари, 2000 йил - "Соғлом авлод йили"да, 2001 йил - "Оналар ва болалар йили"даги Давлат дастурлари, "Узбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тугрисида"ги Қонунга сиёсий партиялардан курсатиладиган депутатликка номзодларнинг камида 30 фоизини аёллар ташкил этиши тугрисида меъёрнинг киритилиши шулар жумласидандир.

5. Узбекистон Республикаси Давлат статистика қумитаси томонидан 2018 йилда тайёрланган махсус маълумот.

6. Узбекистон Республикаси Президентининг "Хусусий тадбиркорлик, кичик бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тугрисида"ги Фармони //Халқ сузи, 1998 йил 10 апрель.

7. Узбекистон Республикаси Президентининг "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қушимча чора-тадбирлар тугрисида"ги Фармони //Халқ сузи, 2016 йил 6 октябрь.

8. Узбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 24 августдаги "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қушимча чора-тадбирлар тугрисида"ги ПФ-4354-сонли Фармони (Электрон ресурс). Кириш режими: <http://www.lex.uz/rudocs/> .

9. Узбекистон Хотин-қизлар қумитасининг жорий архив маълумотлари. 2017 йил, 17-жилд, 30-варак.

10. Узбекистон Миллий энциклопедияси. - Тошкент: Давлат илмий нашриёти, 2006. - 11-жилд. -Б.393.